

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ИБОДУЛЛАЕВА МАЪРИФАТ ТЎЛҚИН ҚИЗИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

УДК: 336.711 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economic sciences**

**Ибодуллаева Маърифат Тўлқин кизи**

Тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш

йўллари.....3

**Ибодуллаева Маърифат Тулқин кизи**

Пути развития валютных операций коммерческих банков.....25

**Ibodullaeva Marifat Tulkin kizi**

Ways of development of foreign exchange operations of commercial banks.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.I.16.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ИБОДУЛЛАЕВА МАЪРИФАТ ТЎЛҚИН ҚИЗИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD.Iqt1359 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Исаков Жанабай Яқипбаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Саттаров Одил Бердимуратович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Холмаматов Фарҳоджон Кубаевич**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Акциядорлик-тижорат «Саноатқурилишбанк»и**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий-даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.Б. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда валюта операцияларини амалга ошириш тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, банклар мижозларининг хорижий валюталарга бўлган талабини қондириш, валюта захираларини валюта рискдан ҳимоя қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Бу эса валюта операцияларини ривожлантириш банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш жиҳатидан муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан «Bank of America»нинг (АҚШ) «валюта операциялари ҳажмида своп операциялари ва валюта опционлари билан амалга оширилган операцияларнинг салмоғи 2,6 фоизли пунктга ошди», мазкур даврда «Deutsche Bank»нинг (Германия) «валюта операцияларидан олган даромадлари миқдори 1,1 фоизга кўпайди»<sup>1</sup>. Тижорат банклари валюта операцияларининг ривожланиши, пировард натижада, банкларнинг молиявий барқарорлик даражасини оширишга хизмат қилмоқда.

Дунёда тижорат банклари валюта операцияларининг даромадлилиги ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, валюта рискларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш, банкларнинг валюта операцияларини рақамлаштириш, тижорат банкларининг валютавий ликвидлигини таъминлаш, тижорат банкларининг деривативлар билан амалга ошириладиган халқаро валюта операцияларини назорат қилиш тизимини яратишга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун эса, «валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчилик ролини ошириш» каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда тижорат банкларининг очик валюта позициялари ҳажмини қисқартириш, миллий валюта номинал алмашув курсининг тебраниш даражасини пасайтириш, тижорат банклари ва улар мижозларининг валюта захираларини диверсификация даражасини ошириш, банкларда хорижий валютадаги активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги мутаносибликнинг таъминлаш, тижорат банкларининг валюта операцияларига салбий таъсирини пасайтириш ва валюта сиёсатини либераллаштириш соҳасидаги давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025

---

<sup>1</sup>Bank of America. Annual Report 2021//<http://www.bankofamerica.com>.Deutsche Bank. Annual Report 2021//<http://www.db.com>.

йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-табирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертацион тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – Ф.Мишкин, Ж.Синки, Ж.Кейнс, Л.Красавина, О.Коршунов, А.Буренин, М.Эскиндаров, Е.Звонова, Ҳ.Мендонса, Б.Тиберта, Л.Донайр, И. Пановска ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ қилинган<sup>2</sup>.

Масалан, Л.Красавинанинг илмий ишларида валюта операцияларини амалга ошириш механизми тадқиқ қилинган бўлса, Ж.Синки тижорат банкларининг валюта операциялари билан боғлиқ бўлган рискларни тадқиқ қилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ф.Ахмедов, У.Абдуллаев, З.Бердиназаров, Т.Бобакулов, С.Гадоев, Н.Жумаев, А.Исмаилов, Ж.Мажидов, О.Намозов ва бошқаларнинг илмий ишларида тижорат банклари валюта операцияларини ривожлантиришнинг алоҳида назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup>Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2013. – С. 880с.; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблицер, 2017. – 1018с.; Keynes J.M. A Tract on Monetary Reform. –New York: Prometheus Books, 2000. – 220 p.; Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник. 4-е изд., переработ. и доп. – М.: Юрайт, 2014. – 543 с.; Глориозов А.Г., Михайлов Д.М. Внешнеторговое финансирование и гарантийный бизнес. – М.: Юрайт, 2011. – 905 с.; Красавина Л.Н. Риски в международных валютно-кредитных и финансовых отношениях России в условиях глобальных вызовов//Банковское дело. – Москва, 2013. – №10. – С. 23 - 28.; Коршунов О.Е., Кашеева Е.А. Целесообразность убыточных арбитражных операций на валютном рынке//Вестник СПбГУ: Экономика. – Санкт-Петербург, 2017. – №4. – С. 602-621.; Буренин А.Н. Форварды, фьючерсы, опционы, экзотические и погодные производные. – М.: ООО «НТО», 2011. – 465 с.; Эскиндаров М.А., Звонова Е.А. Международные валютные отношения. Учебник. – М.: КНОРУС, 2018. – 540 с.; Mendonca H., Tiberto B. P (2017). Effect of Credibility and Exchange Rate Pass-Through on Inflation: An Assessment for Developing Countries. International Review of Economics and Finance, 50. – P. 196-244.; Donayre, L. and Panovska, I. (2016). State-Dependent Exchange Rate Pass-Through. Journal of International Money and Finance, 64(C). – P.170-195.

<sup>3</sup>Ахмедов Ф.Х. Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташки савдога кўрсатадиган хизматларини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. автореф. – Тошкент, 2017. – 47 б.; Бердиназаров З.У. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсати методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 74 б.; Бобакулов Т.И., Абдуллаев У.А. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Дарслик. - Тошкент: Sano-standart, 2014 – 232 б.; Гадоев С.Ж. Тижорат банкларида ликвидлилик riskини бошқаришни такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. автореф. – Тошкент, 2020. – 47 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс.

Ф.Ахмедовнинг диссертацион тадқиқотида тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт ва импорт операциялари билан боғлиқ бўлган валюта операциялари тадқиқ қилинган бўлса, З.Бердиназаров валюта операцияларининг методологик масалаларини таҳлил қилган.

Бироқ, ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан валюта сиёсатини либераллаштириш шароитида тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш масаласи мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий тадқиқот ишлари режасининг «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш хусусидаги илмий-назарий қарашларни тадқиқ қилиш ва уларнинг амалий аҳамиятига баҳо бериш;

банкларнинг валюта операциялари эволюциясига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш;

тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш;

банклар валюта операцияларининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш;

мамлакат тижорат банклари валюта операцияларининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш йўллари асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик-тижорат банклари – Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Асакабанк, Саноатқурилишбанк ва Туронбанклар фаолияти олинган.

---

автореф. – Тошкент, 2008. – 32 б.; Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий – услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 81 б.; Мажидов Ж.К. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш йўллари. И.ф.б.ф.д. автореф. – Тошкент, 2020. – 54 б.; Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 2001. – 39 с.

**Тадқиқотнинг предметини** тижорат банкларининг валюта операцияларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацион тадқиқотни бажаришда индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг очик валюта позициялари ҳажмини қисқартиришда форвард ва своп операциялари ҳажмини спот операциялари ҳажмидан кам бўлмаган даражада оширишнинг зарурлиги асосланган;

банкларнинг форвард валюта операцияларидан оладиган даромадлари миқдорини ошириш мақсадида миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан устама билан котировка қилиш таклиф қилинган;

тижорат банкларининг очик валюта позициялари ҳажмини қисқартиришда спот, форвард ва своп операциялари бўйича позицион мувофиқликни таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

банкларнинг валютавий ликвидлилигини «активлар ва мажбуриятларнинг барқарорлиги», «валютавий таркиб бўйича миқдорий мутаносиблик», «фоиз ставкалари бўйича муддатли мутаносиблик» мезонлари бўйича таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг форвард валюта операцияларини ривожлантириш мақсадида миллий валюта номинал алмашув курсининг тебраниш йўлакчасини торайтириш, баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш ва банклар валюта захираларининг диверсификация даражасини оширишнинг зарурлиги асосланган;

тижорат банклари амалиётига валюта фьючерсларини ва европа стандартидаги валюта опционларини жорий этиш таклиф этилган;

«улкан маълумотлар» (Big Data) технологиясини қўллаган ҳолда, тижорат банклари валюта операцияларини бошқаришнинг маълумотлар таъминотини яхшилашнинг зарурлиги асослаб берилган;

тижорат банкларининг валюта операцияларидан оладиган даромадлари миқдорига таъсир этувчи асосий омилларнинг таъсир даражалари эконометрик таҳлил натижалари асосида асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уларни илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда расмий статистик ва амалий маълумотларнинг таҳлилларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан тижорат банкларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришдаги ролини оширишга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларни республика тижорат банклари валюта операцияларининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўллашнинг мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

тижорат банкларининг очик валюта позициялари ҳажмини қисқартиришда форвард ва своп операциялари ҳажмини спот операциялари ҳажмидан кам бўлмаган даражада ошириш таклифидан АТ «Туронбанк» Кенгашининг 2021 йил 30 ноябрдаги К-70-сонли қарори билан тасдиқланган «Туронбанк» Акциядорлик тижорат банкининг 2022 йилга мўлжалланган Бизнес-режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТБ «Туронбанк»нинг 2021 йил 15 сентябрдаги 4434/24-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида АТБ «Туронбанк»нинг валюта операцияларидан кўрган зарарлари миқдори 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 49,9 фоизга камайган;

банкларнинг форвард валюта операцияларидан оладиган даромадлари миқдорини ошириш мақсадида миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан устама билан котировка қилиш таклифидан АТ «Туронбанк» Кенгашининг 2021 йил 30 ноябрдаги К-70-сонли қарори билан тасдиқланган «Туронбанк» Акциядорлик тижорат банкининг 2022 йилга мўлжалланган Бизнес-режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТБ «Туронбанк»нинг 2021 йил 15 сентябрдаги 4434/24-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан АТБ «Туронбанк»да валюта операцияларидан олинадиган даромад миқдори 25,9 фоизга ошган;

тижорат банкларининг очик валюта позициялари ҳажмини қисқартиришда спот, форвард ва своп операциялари бўйича позицион мувофиқликни таъминлаш таклифидан АТ «Туронбанк» Кенгашининг 2021 йил 30 ноябрдаги К-70-сонли қарори билан тасдиқланган «Туронбанк» Акциядорлик тижорат банкининг 2022 йилга мўлжалланган Бизнес-режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТБ «Туронбанк»нинг 2021 йил 15 сентябрдаги 4434/24-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида АТБ «Туронбанк» очик валюта позициялари ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 46,7 фоизга қисқарган;

банкларнинг валютавий ликвидлигини «активлар ва мажбуриятларнинг барқарорлиги», «валютавий таркиб бўйича миқдорий мутаносиблик», «фоиз ставкалари бўйича муддатли мутаносиблик» мезонлари бўйича таъминлаш таклифидан АТ «Туронбанк» Кенгашининг 2021 йил 30 ноябрдаги К-70-сонли қарори билан тасдиқланган «Туронбанк» Акциядорлик тижорат банкининг 2022 йилга мўлжалланган Бизнес-режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТБ «Туронбанк»нинг 2021 йил 15 сентябрдаги 4434/24-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, АТ «Туронбанк»нинг

хорижий валютадаги активларининг 10,3 фоизини юқори ликвидли муддатсиз активлар ташкил этгани ҳолда, бир йилгача муддатдаги хорижий валютадаги активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги миқдорий мутаносиблик таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу диссертацион тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 5 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шундан 2 таси нуфузли хорижий журналларда, чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 122 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тижорат банклари валюта операцияларининг назарий асослари ва хориж тажрибаси**» деб номланган биринчи бобда тижорат банклари валюта операцияларининг илмий-назарий асослари ва хориж тажрибаси тадқиқ қилинган ҳамда илғор хориж тажрибасидан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятлари асослаб берилган.

Иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш хусусидаги илмий-назарий қарашларини тадқиқ қилиш натижалари кўрсатдики:

валюта бозорида хорижий валюталарни сотиб олиш-сотиш операциялари ҳажмининг ошиши тижорат банкларида очик валюта позицияси рискени кучайишига олиб келди;

агар банк маълум сабабларга кўра балансни ичида хеджирлашни амалга ошира олмаса, унда хеджирлаш мақсадида балансдан ташқари усуллардан, яъни валютадаги ҳосилавий инструментлардан – фьючерс, форвард, опциондан фойдаланиши мумкин;

форвард валюта курсига форвард шартномаси объекти бўлган хорижий валюта эмитенти бўлган мамлакатдаги инфляция билан миллий иқтисодиётдаги инфляция ўртасидаги фарқ сезиларли даражада таъсир кўрсатади;

тижорат банкларининг спот операцияларини ривожлантиришда очик валюта позицияларининг миқдори ва маржанинг минимал миқдори муҳим ўрин тутди;

халқаро валюта бозорларида валютавий своп битимларида иштирок этадиган асосий валюталар бўлиб, АҚШ доллари ва евро ҳисобланади, булар дунё бўйича энг тез ўзгарувчан валюталар ҳисобланади. Табиийки, валютавий своплар бозори, умуман олганда, халқаро валюта бозорларининг жаҳон валюта тизими тузилишидаги глобал ўзгаришлар билан белгиланадиган трендларини такрорлайди.

Тижорат банклари валюта операцияларининг эволюциясини қиёсий таҳлил қилиш натижалари кўрсатдики:

давлатлар ўртасидаги ташқи савдо муносабатларини ривожланиши ва 1922 йилда АҚШ доллари ва Буюк Британия фунт стерлингига халқаро тўлов воситаси мақомини берилиши тижорат банкларининг спот операциялари ҳажмини ошишига олиб келди;


1922 йилда Италиянинг Генуя шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда олтин-девиз стандартининг жорий этилганлиги ҳамда олтин билан бирга, 30 та мамлакатнинг миллий валютасига халқаро тўлов воситаси

мақоми берилганлиги тижорат банкларининг спот операцияларини ривожлантиришга имкон берди;

1976-1978 йилларда бўлиб ўтган тўртинчи жаҳон валюта тизимини ташкил қилиш бўйича халқаро конференция натижаларига кўра, қатъий белгиланган курс режимини бекор қилиниши тижорат банкларининг форвард ва своп операцияларини юзага келишига ва ривожланишига олиб келди;

валюта курсига таъсир этувчи айрим омилларни прогноз қилиш имкони ҳозиргача мавжуд эмас;

валюта операциялари ривожланишининг замонавий босқичида тижорат банкларининг янги турдаги валюта операцияси пайдо бўлди. Бу Carry trade режимидаги валюта операциясидир.



### 1-расм. Bank of America (АҚШ) валюта операцияларининг ҳажми, млрд. АҚШ доллари<sup>4</sup>

1-расм маълумотларидан кўринадики, Bank of Americaда спот, фьючерс ва форвард операциялари миқдорининг 2018 йилда 2017 йилга нисбатан, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ўсиш суръатлари кузатилган. Бу эса, ушбу даврда банкнинг мижозлар билан амалга оширилган спот ва форвард операциялари ҳажмининг ошганлиги билан изоҳланади.

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан Bank of Americaнинг спот, фьючерс ва форвард операциялари миқдори камайган.

2021 йилда Bank of America своп операцияларининг ҳажмини 2020 йилга нисбатан қисқарганлиги етакчи валюталарнинг курсларини АҚШ долларига нисбатан волатиллигини юқори бўлмаганлиги ва валютавий свопларнинг даромадлилик даражасини паст эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот жараёнида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, Deutsche Bankнинг форвард операциялари миқдори 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда экспортчи компаниялар томонидан форвард валюта битимларига бўлган талабнинг ошганлиги билан

<sup>4</sup> Расм муаллиф томонидан Bank of America. Annual Reports (<http://www.bankofamerica.com>) маълумотлари асосида тузилган.

изоҳланади. Аммо, банк форвард операцияларининг миқдори 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

Deutsche Bank томонидан 2020 ва 2021 йилларда валютавий своп операциялари амалга оширилмаган. Бу эса, биринчидан, валютавий своп операцияларининг тижорат банклари учун паст даромадли операция эканлиги билан, иккинчидан эса, миждозлар томонидан валютавий своп битимларига нисбатан талабнинг мавжуд бўлмаганлиги билан изоҳланади.

#### 1-жадвал

### Deutsche Bankнинг (Германия) коммиссион даромадлари ва валюта операцияларидан олган даромадлари<sup>5</sup>, млн. евро

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Коммиссион даромадлар – жами	12 921	12 283	12 227	13 730
шу жумладан: валюта операцияларидан олинган даромадлар	621	586	536	572

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Deutsche Bankнинг коммиссион даромадлари миқдори 2018-2020 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган, аммо, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Ушбу ошишда валюта операцияларидан олинган даромадлар муҳим роль ўйнаган. Банкнинг валюта операцияларидан олган даромадлари 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 6,7 фоизга ошган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Deutsche Bankнинг валюта операцияларидан олган даромадлари миқдори 2018-2020 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари валюта операцияларининг замонавий ҳолати» дея номланган иккинчи бобида мамлакат тижорат банклари валюта операцияларининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган ва мавжуд тенденциялар аниқланган.

#### 2-жадвал

### 2018-2021 йилларда юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта бозоридан чет эл валютаси хариди, млн. АҚШ доллари<sup>6</sup>

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши
Юридик шахсларнинг валюта биржасидан хариди	9 533	10 521	11 706	1 188	12,5 %
Юридик шахсларнинг биржадан ташқари бозордан хариди	845	3 203	3 655	20 290	24,0 марта

<sup>5</sup>Жадвал муаллиф томонидан Deutsche Bank Annual Reports ([www.db.com](http://www.db.com)) маълумотлари асосида тузилган.

<sup>6</sup>Ички валюта бозорида амалга оширилган операциялар. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, республикамизда юридик шахсларнинг валюта биржасидан чет эл валютасининг хариди миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 2020 йилга нисбатан кескин камайган. Бу эса, мазкур даврда биржадан ташқари валюта бозорида юридик шахслар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш жараёнини фаоллашганлиги билан изоҳланади.

2-жадвал маълумотларидан кўринадикки, юридик шахсларнинг биржадан ташқари валюта бозоридан чет эл валютасини харид қилиш миқдори 2018-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, биржадан ташқари валюта бозорини ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

### 3-жадвал

#### Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг валюта операцияларидан олган даромадларининг миқдори ва даражаси<sup>7</sup>

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Валюта операцияларидан олинган даромадлар, млрд. сўм.	20,7	19,7	130,3	228,8	291,5
Валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизсиз даромадлар ҳажмидаги салмоғи, %	3,4	2,3	8,1	13,6	1,1

3-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2018-2021 йилларда ТИФ Миллий банкининг валюта операцияларидан олган даромадлари миқдори ва валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизсиз даромадлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Миллий банкнинг валюта операцияларини ривожлантириш нуктаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо, ТИФ Миллий банкининг валюта операцияларидан олган даромадларининг фоизсиз даромадлар ҳажмидаги салмоғи 2021 йилда 2020 йилга нисбатан кескин пасайган.

Тижорат банкларининг валюта операцияларидан оладиган даромадлари ва кўрадиган зарарлари миқдори бевосита банкларнинг очиқ валюта позицияларининг миқдорига боғлиқ.

Таъкидлаш жоизки, 2018-2021 йилларда ТИФ Миллий банкида валюта операцияларидан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғини ўсиш тенденцияси кузатилди. Бироқ, 2021 йилда мазкур кўрсаткич 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайди.

Амалга оширилган таҳлил кўрсатдики, валюта операцияларини ривожлантиришнинг бирламчи зарурий шарти бўлиб, валюта операцияларининг даромадлилик ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳисобланади. Ўз навбатида, валюта операцияларининг даромадлилик ва риск даражалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш учун дастлаб валюта операцияларининг

<sup>7</sup>Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот. [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz) (Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки).

даромадлилиги ва риск даражаларининг ўзгаришига баҳо берилади, кейин эса, юзага келган салбий трендларнинг юзага келиш сабаблари аниқланади.

#### 4-жадвал

### Акциядорлик тижорат «Асакабанк» валюта операцияларининг даромадлилиги ва риск даражалари, фоизда<sup>8</sup>

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизсиз даромадлар ҳажмидаги салмоғи	43,3	66,6	57,3	44,1	16,1
Валюта операцияларидан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи	56,7	24,6	22,3	27,1	57,8

4-жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2018-2021 йилларда Асакабанкда валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, валюта операцияларини ривожлантириш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

4-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Асакабанкда валюта операцияларидан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи 2019-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

4-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Асакабанкда валюта операцияларининг даромадлилилик даражаси билан риск даражаси ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган. Чунончи, Асакабанкда 2017 йилда валюта операцияларининг даромадлилилик даражаси 2016 йилга нисбатан 15,7 фоизли пунктга ошгани ҳолда, мазкур даврда валюта операцияларидан кўрилган зарарларни фоизли харажатлар ҳажмидаги салмоғи 27,8 фоизли пунктга ошган. Бунинг устига, 2021 йилда Асакабанкда валюта операцияларидан кўрилган зарарларнинг даражаси юқори бўлган.

#### 5-жадвал

### Акциядорлик тижорат «Саноатқурилишбанк» ва «Туронбанк»нинг очик валюта позициясини ўзгариши<sup>9</sup>

Кўрсаткичлар	Саноатқурилишбанк				Туронбанк			
	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.
Очиқ валюта позицияси, млрд. сўм	764,7	216,2	1045,4	278,3	24,7	43,2	81,8	82,4
Очиқ валюта позициясининг регулятив капиталга нисбатан даражаси, %	34,1	7,6	16,7	3,6	6,7	4,8	7,5	4,3

<sup>8</sup> Жадвал муаллиф томонидан ДАТ «Асакабанк»нинг Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

<sup>9</sup> Операцион ва бозор рисклари ҳисоби: [www.uzpsb.uz](http://www.uzpsb.uz) (Саноатқурилишбанк); [www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz) (Туронбанк).

5-жадвал маълумотларидан кўринадик, Саноатқурилишбанкда 2018 ва 2020 йилларда очик валюта позициясининг даражаси юқори бўлган, аммо, 2021 йилда очик валюта позицияси миқдори 2021 йилга нисбатан кескин камайган.

5-жадвал маълумотларидан кўринадик, Туронбанкда 2018-2021 йилларда очик валюта позицияси миқдорининг ошиш тенденцияси кузатилган, аммо, 2021 йилда очик валюта позициясининг регулятив капиталга нисбатан даражаси 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

АТБ «Турон банк» нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари ва унга таъсир этувчи омилларни эконометрик таҳлилини амалга оширдик. Бунда кўп омилли эконометрик моделга қуйидаги омиллар танлаб олинди (кўп омилли эконометрик моделга киритилаётган омилларнинг ўлчов бирликлари турлича бўлганлиги учун улар логарифмланди): натижавий омил сифатида - АТБ «Турон банк» нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари, млн. сўм -  $(\ln Y)$ , таъсир этувчи омиллар эса - инфляциянинг йиллик даражаси, %  $(\ln X_1)$ , Марказий банкнинг тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаси, %  $(\ln X_2)$ , миллий валютанинг АҚШ доллариغا нисбатан девальвация суръати, %  $(\ln X_3)$ , тижорат банкларининг хорижий валютадаги муддатли депозитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %  $(\ln X_4)$ , тижорат банкларининг хорижий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %  $(\ln X_5)$ .

#### 6-жадвал

### АТБ «Турон банк» нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича тавсифий статистика


	LN <sub>Y</sub>	LN <sub>X1</sub>	LN <sub>X2</sub>	LN <sub>X3</sub>	LN <sub>X4</sub>	LN <sub>X5</sub>
Mean (ўртача)	8.951988	2.176676	2.531540	2.602540	1.944336	1.683015
Median (медана)	9.042395	1.945910	2.525729	2.397895	2.525729	1.686399
Maximum (максимум)	10.12431	2.721295	2.639057	5.012633	2.839078	1.960095
Minimum (минимум)	7.436617	1.722767	2.351375	0.916291	0.832909	1.458615
Std. Dev. (стандарт четланиш)	0.820437	0.429662	0.083503	1.058701	0.918200	0.186397
Skewness (асимметрия)	-0.374286	0.248308	-0.765888	1.020883	-0.231425	0.295498
Kurtosis (эксцесс)	2.607020	1.270248	3.820501	4.683983	1.146964	1.667626
Jarque-Bera (Жак-Бера)	0.268048	1.214501	1.132334	2.626730	1.367989	0.796687
Probability (эхтимоллик)	0.874569	0.544847	0.567697	0.268914	0.504597	0.671431
Sum (йиғинди)	80.56790	19.59008	22.78386	23.42286	17.49902	15.14714
SumSq. Dev. (стандарт четланиш йиғиндис)	5.384934	1.476875	0.055782	8.966790	6.744727	0.277951
Observations (кузатувлар)	9	9	9	9	9	9

6-жадвал маълумотларидан ҳар бир омилнинг ўртача қиймати (mean), медианаси (median), максимал ва минимал қийматлари (maximum, minimum) қийматларини кўриш мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир омилнинг стандарт четланиши (std. dev. (Standart Devation) - стандарт четланиш коэффиценти ҳар бир ўзгарувчиларнинг ўртача қийматдан қанчалик четланганлигини кўрсатади) қийматлари келтирилган.

6-жадвалда барча омилларнинг ҳисобланган эксцесс коэффицентлари қийматлари келтирилган. Агар бирор бир омилнинг эксцесс коэффицентини қиймати 3.0 га тенг бўлса, у ҳолда мазкур омилнинг ҳисобланган графигининг учи назарий нормал тақсимотнинг учи билан устма-уст тушган бўлар эди. Лекин, графикларни ўрганиш кўрсатдики, икки омилнинг графиги – Марказий банкнинг тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаси, % ( $\ln X_2$ ) ва миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан девальвация суръати, % ( $\ln X_3$ ) омилларининг графиклари нормал тақсимот графигидан юқорида бўлган.

Умуман олгандан ўрганилаётган барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунар экан.

Нативавий омилнинг нормал тақсимоти графиги қуйидаги 2-расмда келтирилган.



## 2-расм. Нативавий омилни нормал тақсимот қонунига бўйсунишини текшириш

АТБ «Турон банк»нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадларига таъсир этувчи омиллар бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга омилларни танлаш учун корреляцион таҳлил ўтказиш керак. Бунинг учун омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффицентлари ҳисобланади.

Таҳлил кўрсатдики, хусусий корреляция коэффицентлари - бу нативавий омил АТБ «Турон банк» нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари ( $\ln Y$ ) ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланишлар зичлигини кўрсатади. Демак, хусусий корреляция коэффицентлари нативавий омил - АТБ «Турон банк» нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари ( $\ln Y$ ) ва таъсир этувчи омиллар ўртасида турли хил боғланишлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Демак, АТБ «Турон банк» нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари ( $\ln Y$ ) ва инфляциянинг йиллик даражаси ( $\ln X_1$ ) ўртасида хусусий корреляция коэффицентини 0,6767 га тенг. Бу эса мазкур омиллар ўртасида ўртача боғланиш мавжудлигини кўрсатади. Худди шунингдек, АТБ «Турон банк» нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари ( $\ln Y$ ) билан Марказий банкнинг тижорат банкларининг хорижий валютадаги

депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаси ( $\ln X_2$ ) ўртасида сушт алоқа мавжуд экан, яъни улар ўртасидаги хусусий корреляция коэффиценти қиймати 0,3438 тенг экан. АТБ «Турон банк» нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари ( $\ln Y$ ) ва миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан девальвация суръати ( $\ln X_3$ ) ўртасида тескари жуда сушт алоқа мавжуд. Ушбу омиллар ўртасида хусусий корреляция коэффиценти - 0,0805 га тенг. АТБ «Турон банк» нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари ( $\ln Y$ ) ва тижорат банкларининг хорижий валютадаги муддатли депозитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси ( $\ln X_4$ ) ўртасида сушт алоқа мавжуд. Ушбу омиллар ўртасида хусусий корреляция коэффиценти 0,3682 га тенг.

Бундан ташқари АТБ «Турон банк» нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари ( $\ln Y$ ) билан тижорат банкларининг хорижий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси ( $\ln X_5$ ) ўртасида ўртача алоқа мавжуд. Ушбу омиллар ўртасида хусусий корреляция коэффиценти 0,6434 га тенг.

Юқорида омиллар ўртасида келтирилган боғланишлардан ташқари, жуфт корреляция коэффицентлари ҳам мавжуд бўлиб, улар таъсир этувчи омиллар ( $\ln X_1, \ln X_2, \ln X_3, \ln X_4, \ln X_5$ ) ўртасида боғланиш зичликларини кўрсатади. Бу ерда энг муҳим ҳолат бўлиб, таъсир этувчи омиллар бир-бири билан зич боғланмаслиги керак. Яъни, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд бўлмаслиги лозим. Агар иккита таъсир этувчи омил ўртасида жуфт корреляция коэффиценти қиймати 0,7 дан катта бўлса, мультиколлинеарлик мавжуд дейилади. Бунда, айрим таъсир этувчи омиллар ўртасида боғланиш зичликлари 0,7 дан катта эканлигини кўриш мумкин. Масалан,  $\ln X_1$  ва  $\ln X_4$  омиллар ўртасида корреляция коэффиценти 0.7459,  $\ln X_1$  ва  $\ln X_4$  омиллар ўртасида корреляция коэффиценти 0.7992, ҳамда  $\ln X_4$  ва  $\ln X_4$  омиллар ўртасида корреляция коэффиценти 0.9171 га тенг. Бу эса мазкур омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжудлигини кўрсатмоқда.

Тижорат банклари хорижий валютада берадиган кредитлари учун асосий ресурс манбаи сифатида хорижий банкларнинг кредит линиялари ва хорижий валюталарда жалб қилинган депозитлардан фойдаланади. Лекин хорижий банклардан жалб қилинган кредитлар нисбатан қиммат ресурс ҳисобланади. Шунинг учун тижорат банклари томонидан хорижий валюталарда кредитлар беришда кўпроқ ўзлари хорижий валюталарда жалб қилган депозитлардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг устига, Ўзбекистон Марказий банки тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларига нисбатан юқори захира ставкаси ўрнатган.

Демак, АТБ «Турон банк» хорижий валютадаги операциялардан даромадлари ( $\ln Y$ ) бўйича кўп омилли эконометрик моделга киритиладиган омиллар ўртасида корреляция коэффицентлари Стьюдентнинг  $t$ -мезони ҳисобланган қиймати ва эҳтимоллиги бўйича қўйиладиган талабларга жавоб берад экан.

Умумий ҳолда кўп омили эконометрик модель куйидаги кўринишга эга:

$$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n + \varepsilon, \quad (1)$$

бу ерда:  $y$  – натижавий омил,  $x_i$  – таъсир этувчи омиллар,  $\varepsilon$  – тасодифий хато.

Кўп омили эконометрик моделдаги (1) номаълум  $a_0, a_1, a_2, \dots, a_n$  параметрларини аниқлашда "энг кичик квадратлар усули" қўлланилади.

АТБ «Турон банк»нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари бўйича тузиладиган кўп омили эконометрик моделнинг номаълум параметрларини ҳисоблашда EViews дастуридан фойдаланамиз. Ҳисоб-китоблар бўйича натижалар куйидаги 7-жадвалда келтирилган.

**7-жадвал**

**АТБ «Турон банк» нинг хорижий валютадаги операциялардан даромадлари бўйича ҳисобланган кўп омили эконометрик модель параметрлари**

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LNX1	0.586711	1.138868	0.515170	0.6420
LNX2	-2.633111	5.771049	-0.456262	0.6792
LNX3	-0.031981	0.251873	-0.126973	0.9070
LNX4	-1.627630	0.924494	-1.760563	0.1765
LNX5	9.561541	6.593157	1.450222	0.2429
C	1.496408	8.229729	0.181830	0.8673
R-squared	0.845985	Mean dependent var		8.951988
Adjusted R-squared	0.589293	S.D. dependent var		0.820437
S.E. of regression	0.525789	Akaike info criterion		1.786886
Sumsquaredresid	0.829361	Schwarz criterion		1.918369
Loglikelihood	-2.040988	Hannan-Quinn criter.		1.503146
